Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 27 февраль •пайшанба • № 29 (4314)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга бахт-саодат ва янги зафарлар, дўст Туркия халқига эса фаровонлик тилади.

Президент Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатни барқарор ривожлантириш, халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги тарихий ўрни алоҳида қайд этилди. Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси юксак баҳоланди.

Президентлар шу ой Туркияга амалга оширилган олий даражадаги ташрифнинг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот чоғида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича икки томонлама келишувларни амалга ошириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Президентлар минтақавий ҳамкорлик ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ЎзА

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЗАМОНАВИЙ КОМПАНИЯГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мазкур мажмуа мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхонасидир. Бу ерда олтин, уран, нодир металлар, қурилиш ва дастгоҳсозлик саноати учун зарур маҳсулотлар, кенг турдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Комбинат юртимиздаги жами саноат маҳсулотининг 10 фоизини ва бюджет даромадининг 18 фоизини таъминлайди. Унда 54 мингдан зиёд ходим ишлайди.

Навоий кон-металлургия комбинати хомашё ресурсларининг ҳажми бўйича жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчилар орасида учинчи ўринда туради. Лекин активларининг қиймати хорижий компаниялариникига нисбатан анча кам. Масалан, ҳозирги кунда комбинатнинг баланс қиймати 1,3 миллиард доллар бўлса, шу даражадаги хорижий корхоналарнинг бозор нархи 11 миллиард долларни ташкил этади.

Шу боис НКМКни замонавий компанияга айлантириш мақсад қилинган. Давлатимиз томонидан бу борада комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинатини 2026 йилгача ривожлантириш дастури изчил амалга оширилмоқда. Унинг доирасида 2017-2019 йилларда 1,2 миллиард доллар маблағ эвазига 8 та объект ишга туширилган. Натижада охирги уч йилда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 фоиз, кумуш олиш 37 фоизга ошган.

Ўтган ойда Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада Президентимиз Навоий кон-металлургия ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Йиғилишда шу борадаги режа ва чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Навоий кон-металлургия комбинатининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш, ҳисоб-китобларни халқаро стандартларга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

2026 йилга қадар корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини 94 тоннага етказиш, бунинг учун 4 миллиард долларлик 40 та лойиҳани амалга ошириш кераклиги таъкидланди. Жумладан, лойиҳа қиймати 525 миллион доллар бўлган янги конни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Комбинатнинг бугунги кундаги 3,7 минг тонна олтин захираси халқаро стандартлар асосида баҳоланиб, корхона балансида акс эттирилиши зарурлиги белгиланди.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Молия вазирлигига захираларни баҳолаш ишлари ҳамда молиявий ҳисоботларни халқаро меъёрларга ўтказиш вазифаси қўйилди. Конлар захираси ва камайиши тўғрисидаги ҳисоботлар, қазиб олиш лойиҳалари бўйича маълумотларни Австралия кодекси (JORC Code) асосида тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг корпоратив еврооблигацияларини чиқариш масаласига тўхталиб ўтилди.

Корхона раҳбари ва вазирлар юқоридаги вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ҳисобот берди.

ЎзА

КУН НАФАСИ

«Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

* * *

Шавкат Мирзиёев **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарорни имзолади.

* * *

Президент фармони билан **Жамшид Қўчқоров** Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – **иқтисодиёт ва саноат вазири** лавозимига тасдиқланди.

* * *

Президент фармони билан **Тимур Ишметов молия вазири** лавозимига тасдиқланди.

* * *

Президент фармони билан **Омонулло Насриддинхўжаев молия вазирининг биринчи ўринбосари** лавозимига тайинланди.

* * *

Президент фармони билан **Фарҳод Арзиев ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари** лавозимига тайинланди.

* * *

Президент фармони билан **Илҳомжон Неъматов ташқи ишлар вазирининг ўринбосари** лавозимига тайинланди.

* * *

Хоразм вилоятида ўтаётган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида 26 февраль куни икки мамлакат ҳукумат раҳбарлари **Абдулла Арипов ва Асқар Мамин иштирокида ҳукуматлар делегацияларининг учрашуви** бўлиб ўтди.

* * *

Тошкентда Ўзбекистон – Беларусь аграр форуми ҳамда икки мамлакат корхоналари маҳсулотлари кўргазмаси очилди.

* * *

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида **«O'zbegim ayoli – 2020»** Миллий мукофотини тантанали топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Бухоро вилояти ҳокими **Ўктам Барноев** бошчилигидаги делегация Россия Федерациясининг **Татаристон Республикасида сафарда бўлиб турибди.**

* * *

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабида Самарқанд давлат университети ўқув хонаси ва кутубхонаси ташкил этилди.

* * *

Ўзбек дубляжининг энг ёрқин вакилларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Ғайбулла Ҳожиев** 64 ёшида **оламдан ўтди.**

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Муносабат

Шокиржон БОЛТАБОЕВ,
Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси

Ҳаётий фалсафага ҳамоҳанг ҳаракат

Улуғ аллома Абу Наср Форобий асарларидан бирида «Раҳбарлик – ўзидан бошқаларни бахт-саодат йўлига етаклашдир», дея қайд этган. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси зиммасига икки ой муддатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бу муҳим жиҳат кўплаб ҳудудлар қатори Андижон вилоятида ҳам қатор муаммоларнинг ечимига калит бўлиши шубҳасиз. Нега?

Андижон – ҳудудига нисбатан аҳолиси жуда зич жойлашган вилоят. Ҳар бир қарич ернинг ҳисоб-китоби борлиги эса кўп жиҳатдан аҳолининг аксарият қисми етарли даромадга эга эмаслиги, ишсизлар ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар сонининг ортишига сабаб бўлади. Шу маънода аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш орқали одамларда тадбиркорлик руҳини уйғотиш, ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган ташаббуслар тез орада ўз мевасини бериши шубҳасиз. Бу жиҳат, таъбир жоиз бўлса, инсонни яхши ҳаёт сари ҳаракатга келтириш учун унга балиқ эмас, балки қармоқ бериб, овга ўргатиш керак, деган ҳаётий фалсафага ҳамоҳангдир.

2 ▸

2020 йил 26 февраль ҳолатига кўра, жаҳон бўйлаб «COVID-19» коронавирус инфекциясидан **зарарланиш ҳолати** 80980 кишида аниқланди. Вирус эпидемияси бошланганидан буён касалликдан **вафот этганлар** сони 2769 нафарни ташкил қилмоқда, 29998 киши **тузалиб кетган.**

Хитой. Вирус юқтирганлар сони 78064 нафарга етган, сўнгги бир кун ичида яна 52 киши вафот этди ва қурбонларнинг сони 2700 кишидан ошди.

Жанубий Корея. Коронавирус билан касалланганлар сони 1261 кишига етган, улардан 11 нафари вафот этган.

Япония. Зарарланишнинг мингга яқин ҳолати тасдиқланган. Уларнинг аксар қисми «Даймонд принцесс»да карантинда бўлганлар.

Италия. 323 киши вирус юқтириб олган, 11 киши вафот этган.

Эрон. Мамлакатда вирусдан зарарланганлар сони 139 нафарга етди, қурбонлар сони 19 нафарни ташкил қилмоқда.

Бирлашган Араб Амирликларида 13 кишида коронавирус аниқланган.

Баҳрайн Соғлиқни сақлаш вазирлиги инфекция юқтирганлар сони 17 нафарга етганини маълум қилган.

Испания. Мамлакатнинг Канар ороллари жойлашган Тенерифи шаҳридаги мингдан ортиқ киши жойлашган меҳмонхонада Италиядан келган шифокорда вирус аниқланди ва меҳмонхона карантинга олинган.

АҚШда вирусдан зарарланишнинг 53 ҳолати қайд этилган.

Жазоир. Коронавирусдан зарарланиш илк ҳолати аниқланди.

Бразилия. Сан-Пауле шаҳрида ҳам ушбу касаллик кузатилди.

Сўнгги маълумотларга кўра, коронавирус Европанинг яна бир неча давлатида — **Австрия, Швейцария Руминия, Греция ва Хорватияда** ҳам аниқланган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2020 йил 28 февраль куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2020 йил 27 февраль куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

Rais Buva

Клачиский причочка...

– Раис Бува, тилнинг ҳам охири бўладими?

– Албатта бўлади, бўтам. Мана мисол, рус тили биз-нинг колхозга келиб тугайди...

(Тил билган бошқа-да барибир!)

@RaisBuva

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

Ҳаётий фалсафага ҳамоҳанг ҳаракат

1

Тўғри, ҳар бир инсоннинг феъл-атвори, дунёқараши бир-биридан фарқлангани каби уларнинг ўқув-малакаси, салоҳият даражаси ҳам турфа хил. Шу боис, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Бундай одамларни касбга қайта тайёрлаш орқали муносиб иш ўрни билан таъминлаш мумкин.

Мисол тариқасида ипак қурти парваришлаб, пилла етиштириш ҳамда тайёр хомашё то шойи, атлас, адрас, ҳатто ипак гиламга айлангунга қадар барча юмушларни айтсак, оилада рўёбга чиқариш мумкин. Ипакдан тайёрланган маҳсулотларнинг харидорлари ўзимизда ҳам, хорижда ҳам бисёр. Қайд этилган босқичлардаги ишларни амалга ошириш учун қишлоқлардаги деярли ҳар бир хонадонда шарт-шароит бор. Бунинг учун кишида бироз қунт, ҳунар ўрганишга иштиёқ, уқув бўлса кифоя.

Мурожаатномадан англаганим шуки, давлат бугун шу каби барча йўналишлар билан боғлиқ ташкилий масалаларда барчани қўллаб-қувватлашга тайёр. Одамларни ҳаракатга келтириш, уларнинг ички имкониятларини юзага чиқариш учун майдон яратиш даркор. Президентимиз илгари сураётган ижтимоий тадбиркорликни рағбатлантириш тамойили «Сендан ҳаракат, мендан баракат», деган машҳур нақлни ёдга солади.

Ўрни келганда айтиш жоиз, бугун Андижон вилоятида «Ҳар бир тадбиркорга – кўмакдош, елкадош ва мададкормиз!» деган бош ғоя асосида қатор вазифаларни рўёбга чиқаришга киришилди. Айни юмушларга касаба уюшмалари фаоллари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари – **«Яхши», «Ўрта»** ва **«Ёрдамга муҳтож»** тоифаларига ажратилиб, асосий эътибор **«Ёрдамга муҳтож»** тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга, уларнинг оёққа туриб олишига қаратилмоқда.

Ҳозир вилоятда фаолиятини тўхтатган минглаб тадбиркорлик субъектлари бор. Айни паллада уларнинг фаолиятини тиклаш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилган. Бу ҳаракатлар ҳам ишсизликни камайтиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Яна бир жиҳат. Гап бандлик мавзусида борар экан, касаба уюшмалари ҳамиша одамларнинг муносиб иш шароити, даромадининг меҳнатига мутаносиблиги учун курашиб келади. Шундан келиб чиқиб, корхона ва ташкилотларда норасмий равишда банд бўлган ходимлар фаолияти бўйича ҳам давлат ташкилотлари ҳамкорлигида қатор вазифалар белгилаб олинган. Чунки «ишлаётган ишсиз»ларнинг фаолиятини қонунийлаштиришга қаратилган ҳаракатлар статистик рақамларда акс этаётган бекорчилар сонини камайтириш баробарида, эрта-бир кун уларнинг пенсияга чиқишида муаммоларга дуч келмаслигининг ҳам олдини олади.

Мурожаатномадан кўзланган мақсад-муддао, унда белгиланган ҳар бир масала халқимизни бахтли ҳаёт, фаровон турмуш сари етаклашга қаратилган халқчил ҳужжат сифатида келгуси фаолиятимиз учун ҳам «йўл харитаси» бўлиб қолади.

Наманган вилояти

Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида барча шароитларга эга замонавий кутубхона барпо этилган.

Маърифат ўчоқларида

Мутолаа маскани

100 ўринга мўлжалланган ушбу шинам кутубхонада ҳозирда 3000 тага яқин ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир асарлари, таълим, фан ва ҳуқуқий йўналишларга оид бир қанча сара китоблар ўрин олганки, ҳар қандай китобсевар учун бу жой чинакамига мутолаа масканига айланаётгани, шубҳасиз.

– Ёшларимизга уларнинг эртанги куни учун китоб мутолааси нечоғли зарур эканини тушунтириш учун ҳам бугун уларнинг кўлига китоб тутқазишимиз керак, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Шуҳрат Мусаев. – Ана шу мақсадда кутубхонамиздаги китоблар сонини янада оширишга ҳаракат қиляпмиз.

– Бисотингда ноёб, ўқишга арзигулик китобларинг бўлса-ю уни ўзингдан бошқа ҳеч ким ўқиёлмаса, бошқалар билан бўлишмасанг, бу, энг аввало, ана шу китобларга нисбатан ҳурматсизлик бўлса, иккинчидан, ўқиб туриб ўқмаганингдан дарак, – дейди кутубхонанинг доимий аъзоси, нуроний отахон Аҳмаджон Охунжонов.

– Кўпдан буён ушбу кутубхонага келаман ва жаҳон адабиётига оид бир қанча дурдона асарларни мутолаа қилдим, – дейди Наманган давлат университети талабаси Гулзода Мамадалиева.

Китобхонларга сара асарларни тутқазишга интилаётган вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кутубхонаси ва уни ташкил қилганларнинг мақсади ягона – ёшлар ва барча маърифатли бўлсин!

Орзугул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Мактабимизда 74 нафар ходим меҳнат қилади. Улардан 42 нафари аёллар, 15 нафари ёшлар бўлиб, ходимлар манфаатдорлиги жамоа шартномаси орқали таъминлаб келинаётгани боис, таълим ва тарбия сифати ҳам мунтазам яхшиланиб бормоқда.

Жамоа шартномаси – амалда

Таълим сифати қандай яхшиланмоқда?

Хусусан, ижтимоий шериклик тизимига асосан, маъмурият билан ҳамкорликда мактаб фаолиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Педагогларга ўқув юкламаси тақсимотида, ички меҳнат тартиб қоидалари ишлаб чиқилишида, ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан озод қилиш каби масалаларда касаба уюшма қўмитаси фаол иштирок этмоқда. Яна бир муҳим жиҳат шуки, қўмитага келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар Меҳнат кодекси асосида қондирилиши йўлга қўйилган.

Касаба аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида қатор давра суҳбатлари уюштирилди. Турли мавзуларда ўтказилган 30 дан зиёд тадбирлар ходимларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилди. Спорт тадбирларини ўтказиш мунтазамлигига эришилди. Мактабда «Устоз-шогирд» анъаналарига қатъиян риоя қилинаётгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Бу борада ёш мутахассислар билан ишлаш бўйича ишлаб чиқилган мажмуавий дастур қўл келмоқда.

Ходимларга қулай, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ҳамиша эътиборда. Жамоа шартномаси иловасида алоҳида рўйхатда келтирилган ходимлар махсус кийим-бош, зарарсизлантирувчи, гигиеник воситалар билан таъминланган бўлиб, меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган ишлар касаба уюшмаси томонидан тайинланган вакил орқали назорат қилинмоқда.

Сайёра ҚУРБОНОВА,
Урганч туманидаги
6-умумтаълим
мактаби касаба уюшма
қўмитаси раиси

Ижтимоий ҳамкорлик

Сувчиларга амалий кўмак

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Сув хўжалиги вазирлиги ўртасида «Сув хўжалиги ташкилотларида меҳнат муҳофазаси, содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича» 2020 йил учун имзоланган чора-тадбирларга мувофиқ меҳнат муҳофазасига масъул ходимлардан тузилган ишчи гуруҳ Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидаги тармоқ ташкилотларидаги ҳолатини ўрганди ва амалий ёрдам кўрсатди.

Ушбу жараёнда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги муҳандисларининг иш режаларини тасдиқлаш, ишларни тўғри ташкил этиш, касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиясининг фаолияти, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар бажараётган ишлар, жамоа шартномасидаги меҳнат муҳофазаси соҳасидаги тадбирларга маблағларнинг сарфланиши тартиблари, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқлар бериш, меҳнат қонунчилиги, ходимларнинг меҳнат ва дам олиш вақти, иш ҳақи ва бошқалар тўғрисида тушунчалар берилди.

Айни кунларда ишчи гуруҳ Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги сув хўжалиги ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Хуршид УМАРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бўлими мудири

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик ва унинг асосий принциплари

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик – касаба уюшмалари (касаба уюшмаларининг бирлашмалари) тимсолида ходимлар, иш берувчилар (иш берувчиларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), давлат органлари ўртасида ходимларнинг, иш берувчиларнинг ва давлатнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича манфаатларини келишиб олишни таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамкорликдир.

Касаба уюшмалари ва иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик тенг ҳуқуқлилик, вакилларнинг ваколатлилиги, тарафларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги принциплари асосида қурилади.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун, 47-модда

Қашқадарё вилояти

Ижтимоий манфаатлар ифодаси

Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмасида 3500 нафардан зиёд ходим меҳнат қилади. Саломатлик посбонларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини самарали ифода этиш мақсадида тумандаги даволаш-профилактика муассасаларида 38 та касаба уюшма гуруҳи ҳамда 19 та касаба уюшма цех қўмитаси тузилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

Уларда фаолият атрофлича таҳлил қилиниб, гуруҳ касаба уюшма ташкилотчилари ҳамда цех қўмита етакчилари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси конференциясига делегатлар сайланди.

Ҳуқуқлар кенгайди, масъулият ҳам...

Тарғибот

Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши аппаратининг юридик бўлими мудири Ҳамидулла Пиримқулов янги қонуннинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Янги қонунга кўра, касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари, имтиёз ва кафолатлари кенгайди. Шу билан бирга, касаба уюшмалари зиммасига юкланадиган масъулият ҳам ортди...

Давра суҳбати давомида касаба уюшма фаолларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Навоий вилояти

Навоий вилоятидаги Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари тармоқ касаба уюшмасига аъзо ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялар) қизғин руҳда бошлаб юборилди.

Муаммолар жойида ҳал бўлгани маъқул

Вилоятда тармоқ касаба уюшма ташкилотлари, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 31 тани ташкил қилиб, уларда 1766 нафар касаба уюшма аъзолари бирлашган бўлса, 2020 йилнинг 1 январига келиб, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари сони 54 тага ва аъзолар сони 1648 нафарга кўпайди.

85 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг 34 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, касаба уюшма ташкилотчилари, қўмитанинг янги таркиблари, қўмита раислари, ҳисобрақами мавжуд бошланғич ташкилотларда тафтиш комиссиялари таркиби ва раислари сайланди. Жумладан, 5 та бошланғич касаба уюшма ташкилотининг қўмита раиси ва ташкилотчилари янги сайланди.

Навоий шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ишида тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси С.Сайфуллаев, Конимех тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим мудири О.Мирзаев қатнашди. Муҳим жиҳати, ҳисобот-сайлов йиғилишлари(конференция) жойларда касаба уюшма аъзоларининг фаоллиги боис савол-жавобларга бой бўлди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, сайловлар Низом талаблари асосида ўтказилди ҳамда касаба уюшма ташкилотлари органларининг келгуси вазифалари белгилаб олинди.

Навоий вилояти «Сувоқова» давлат унитар корхонасида 2017 йилда касаба уюшма ташкилоти тузилган бўлса-да, корхона раҳбари Шаҳобиддин Шайматов аъзолик бадалларидан ўзи хоҳлаган мақсадларда фойдаланиб келган. Мазкур масалада бир неча маротаба оғзаки ва ёзма равишда мурожаат қилинганига қарамай, ҳамон ижобий натижага эришилмади.

Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида корхона раҳбари билан суҳбатда мазкур масалада тегишли ташкилотларга қонуний ўрганиш бўйича мурожаат қилиниши тўғрисида огоҳлантирилди.

Тармоқ касаба уюшма ташкилотига аъзо ташкилотлар қаторида рўйхатга олинган «Бахт текстиль» МЧЖда ҳам бўлиб, аъзолик бадалларининг кўчирилмаётгани бўйича раҳбарият билан учрашиб, масала ечими бўйича амалий ёрдам берилишини сўраб, мурожаат қилинди.

Т. ЙЎЛДОШЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ишчи гуруҳ фаолияти:

Дардингни очиқ айт, опажон, синглим...

Хоразм вилояти

Хотин-қизлар муаммоларини уйма-уй юрган ҳолда ўрганиб, ҳал қилиш масаласи бежизга қайта-қайта кун тартибига олиб чиқилаётгани йўқ. Ўзбек аёли дардини дастурхон қилишга одатланмаган. Ҳасратдан куйса-куядики, хасталикка чалинса-чалинадики, аммо дардини ичига ютиб, унча-мунчага достон қилавермайди. Бунинг учун уларнинг ҳузурига бориш, нима хоҳлашини, нимадан қийналаётганини сўраш керак. Аслида, аёлнинг ичида айтадиган гапи кўп...

Гурланда нима гаплар?..

Президентимиз топшириғига биноан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари Гурлан туманидаги хонадонларга ташриф буюриб, хотин-қизлар билан суҳбатлашганда юқоридаги фикрлар исботини топмоқда.

Гурлан тумани ҳокимлигида ишчи гуруҳ аъзолари ва туман мутасаддилари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Шундан сўнг ишчи гуруҳи маҳаллалар кесимида хотин-қизлар муаммоларини ўрганишни бошлади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Гурлан тумани аҳолисининг **72 минг 856 нафари** хотин-қизлар. Улардан **14 минг 226 нафари** ишга лаёқатли.

746 та оила кам таъминланган сифатида рўйхатга олинган.

144 та оила ажрим ёқасида.

73 нафар аёл оғир ижтимоий шароитда турмуш кечирмоқда.

2575 нафар аёл ишлаш ва бошқа мақсадларда хорижий давлатларга чиқиб кетган.

«Фидокор» маҳалласида яшовчи Шаҳло Матёқубова ўн беш йил муқаддам турмушга чиққан. Ўшанда қуда томон «Никоҳни кейин расмийлаштираверамиз» деган. Бу орада икки фарзандли бўлди. Турмуш ўртоғи эса, ҳатто, оталик ҳам белгилатмади. Шаҳло ўз-ўзидан ёлғиз она бўлиб қолди. Турмуш ўртоғи ишлаш учун хорижга кетгач, қайнонаси келинни ҳайдаб юборди. Шунга ҳам ўн йилдан ошди. Бу орада Шаҳлонинг ота-онаси вафот этди. Ҳозирда у икки фарзанди билан укасининг уйида. Бу хонадонда яна бир укаси оиласи билан яшайди. Катта укасининг «топганим сизлардан ортмаяпти» дегани оғир ботиб, Шаҳло қозон-товоғини бўлаклади. Укаси ажратиб берган бир хонада 14 яшар қизи ва 12 яшар ўғли билан кун ўтказмоқда.

– Ошхонада ишлайман, – дейди Шаҳло. – Кунига 20 минг сўм пул топаман. Ишдан ортмаганлигим учун болаларимга тузукроқ овқат қилиб беролмайман. Ўғлимнинг қалин кийими йўқлигидан қишда жуда қийналди. Яқинда қизим қаттиқ бетоб бўлиб, бир ҳафта ётди. Пулим бўлмагани панд бериб, дўхтирга олиб боролмадим. Болаларимнинг кўнгли яримлиги қалбимни ўртайди...

Ишчи гуруҳ Шаҳлони қийнаётган муаммоларни ёзиб олди. Аёлга турар-жой, муқим иш ўрни керак.

Ўрганиш жараёнида ушбу маҳаллада 535 хонадонда 735 оила истиқомат қилиши, 8 нафар аёл боқувчисини йўқотгани, 45 нафар ногиронлиги бўлган фуқаролар борлиги, 13 та оила кам таъминланган сифатида рўйхатда туриши аниқланди. 53 фуқаро меҳнатга лаёқатли, ишсиз сифатида қайд қилинган. 121 фуқаро ризқ излаб хорижга чиқиб кетган. Маҳалладаги 140 ўринли МТМ 217 нафар болани қамраб олган. Ҳудудда мактаб йўқ. Ўқувчилар қўшни маҳаллалардаги 4 та мактабга қатнайди. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси қўшни маҳалладаги 43-сонли ихтисослашган мактаб-интернатда жойлашган.

«Зиёкор» маҳалласида яшовчи Гавҳаржон Собирова турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг қизини ёлғиз ўзи катта қилди. Маҳлиё 2017 йилда коллежни тамомлади, аммо уйда, ишсиз. Она мактабгача таълим ташкилотида ишлайди, ойлиги 450 минг сўм. Кредитга маиший техника олганига пушаймон. Рўзғордан орттириб, кредитини тўлашга қийналяпти.

Ишчи гуруҳ онани муносиб ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш, қизни тикувчиликка қайта ўқитиб, тикув машинаси олиб бериш керак, деган фикрга келди.

Шу маҳаллада яшовчи Гулнора Аҳмедова тақдир синовларини мардонавор енгиб келаётган аёл. Бундан ўттиз йил муқаддам ёш она илк фарзандини дунёга келтириш чоғида оёқ-қўли ишламай қолди. Турмуш ўртоғи эса аёлдан ва фарзандидан воз кечиш орқали ўз муаммосини ҳал қилди. Гулнора чақалоғи билан акасининг уйидан қўним топди.

– Тақдиримдан нолимайман, – дейди у. – Акам, чечам менга меҳр кўрсатишди. Шу уйда келин олдим, неварали бўлдим.

Ишчи гуруҳ аъзолари уни уй-жойга муҳтожлар рўйхатига киритишга қарор қилишди.

– Йўқ, йўқ, – деди шоша-пиша аёл. – Менинг бошпанам бор. Акам бирон марта хафа қилмаган. Балки уй-жойга мендан-да муҳтожлар бордир?..

Гулнора жимиб қолди. Бироз истиҳола қилиб, секингина гапирди:

– Агар иложи бўлса... ногиронлик аравачаси олиб берсангиз. Ҳадемай баҳор келади... Мен ҳам тоза ҳавога чиқардим. Озгина моддий қўллаб-қувватласангиз, даволанардим. Акам яхши... Аммо, унга оғирлигим тушмасин, дейман...

Ишчи гуруҳ аъзолари жойларда Гулнора каби шукрона билан яшаётган, ҳаётни севувчи, дардини достон қилишни истамайдиган, машаққатларни меҳнат билан енгиб келаётган кўплаб аёлларни учратдилар.

– Биз бугун ўрганган маҳаллада 19-сонли мактаб, 25 ўринли давлат-хусусий шерикчилигидаги мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатади, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Меҳнат муҳофазаси» бўлими бошлиғи Нодира Каримова. – Оилавий поликлиника йўқ. Маҳаллада иккита дўкон бор, улар ҳам хонадонларда очилган. 14 та кўчага асфальт ётқизилмаган, фақат тош тўшалган. 1983 йилда маҳалла газлаштирилган. 2016 йилда босим пастлиги туфайли табиий газ тармоғидан ажратилган. Ҳозирда суюлтирилган газдан фойдаланаётган аҳоли газ ўз вақтида етказиб берилмаётгани ва газ баллонлари кўчага ташлаб кетилаётганидан норози. Хонадонлардан бирига борганимизда эр ҳам, аёл ҳам олий маълумотли бўлгани ҳолда ишсиз ўтирганига гувоҳ бўлдик. Маҳаллада ишсизлик муаммоси кўп оилаларни қийнаяпти. 1793 нафар хотин-қиз истиқомат қилувчи маҳаллада бор-йўғи 126 аёл муқим иш ўрнига эга. Аслида, маҳаллада бекорчи аёлнинг ўзи йўқ, кимдир томорқасида ишлайди, кимдир ёлланма ёки мавсумий ишчи. Демак, норасмий бандликни расмий бандликка айлантиришда амалий ёрдам зарур. Умуман, «Зиёкор» маҳалласи аҳолиси жуда меҳнаткашлигини кўрдик.

Пойтахтдан муаммоларни ўрганиш учун ишчи гуруҳ келганини эшитган маҳалла аҳли тозаланган ичимлик суви масаласини ҳал қилишда амалий ёрдам сўради. Маълум бўлишича, маҳаллага тозаланган ичимлик суви келган, аммо уни хонадонларга улашда, ҳужжатлаштиришда тушунмовчиликлар бор. Аҳоли ўз маблағлари ҳисобига кўчага тош ётқизган. Ичимлик суви қувурларини ўрнатиш жараёнида кўча яна таъмирталаб бўлиб қолган. Ишчи гуруҳ вакили мутасадди идорага қўнғироқ қилди. Мутасадди идора раҳбари зудлик билан етиб келди ва аҳолига тушунтиришлар берди, муаммо жойида ҳал қилинди.

Ишчи гуруҳнинг Гурландаги биринчи иш куни самарали бўлди. Шу куннинг ўзида 200 тадан зиёд хонадонда бўлиб, хотин-қизларни қийнаб келаётган муаммолар таҳлил қилинди. Ўрганишлар давом этмоқда...

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch»

Самарқанд вилояти

«Ҳолимизни сўраб келганларга раҳмат!»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси шафелигида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга дахлдор ишчи гуруҳ Пастдарғом туманидаги ҳолатлар билан танишмоқда.

Пастдарғом туманида 107 та маҳалла мавжуд. Уларда 380 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шунинг 180 минг нафаридан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Туман оилавий ажримлар борасида энг «пешқадам»лардан бири. Бу ерда расман рўйхатга олинган тўрт минг нафардан ортиқ оиласи бузилганлар яшайди. Айни пайтда ёлғиз оналарнинг 39 нафар қорақўзлари Меҳрибонлик уйида тарбияланмоқда.

Туман ҳокими Шунқор Худойбердиевнинг айтишича, яқин вақтларда 2 сотихли 40 та уй қурилиши режалаштирилган. 21 нафар ёлғиз оналар ана шундай уй-жойлар билан йил поёнига етгунча таъминланарди. Бу муаммолар кўлами беқамров ҳудуд учун етарли бўлармикан?

– Ҳукуматимиз ҳам, маҳаллий раҳбарлар ҳам аёллар турмушига файз киритишга астойдил интилмоқда, – дейди «Камолот» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи М.Бекназарова. – Аммо қишлоқ шароитида рўзғорни тўкис қилиш осон эмас. Боқувчимизни йўқотганмиз, икки фарзандим бор. Қани эди, маошли иш бўлса... Муаммони бировга айтишга ҳам уяласан, Аммо у бор-да...

«Ўрта Чархин» маҳалласида яшовчи Зарифа Умарованинг 5 нафар фарзанди бор. Боқувчисини йўқотган бу оила қўл учида кун кўради. Ўзи ишсиз. Устига-устак, ўзларига тегишли уй ҳам йўқ. Опаси уйининг бир хонасини берган. Шу ёрда қисиниб-қимтиниб яшаб келмоқда.

– Қўлнинг калталиги, чорасизлик қурсин, – дейди Зарифа. – Ночорликдан 5 нафар фарзандларимнинг бирортасига туғилганликни қайд этувчи гувоҳнома ҳам ололмаганман.

– Ўн беш жон, 5 оила бир ҳовлида яшаймиз, – дейди «Сазаған» маҳалласида яшовчи Ойсаҳат Неъматова. – Бир хонага 5 кишидан одам тўғри келяпти. Ҳовлидаги 4 нафар аёлларнинг барчаси ишсиз.

«Тўқбой» маҳалласида яшовчи Гулнан Тўхтаева хонадонида ҳам муаммолар бир талай. Яшаш уйи абгор ҳолатга келган. Бутун оила бир хонада сиқилиб яшайди. Хонадон бекасининг айтишича, бу ҳолат оилавий можароларнинг авж олишига олиб келаётир. Ана шу жанжаллардан безган оила келини аразлаб кетганига анча бўлган...

– «Қўлдан берганга қуш тўймас», деган мақолнинг мағзини ҳаётимда англадим, – дейди «Сазаған» маҳалласида яшовчи Фотима Ўсарова. – Ўзим ишсизман. Турмуш ўртоғим «Тоза ҳудуд» ташкилотида ишлаб, бир ойда 400 минг сўм ойлик маош олади. Оилада беш жонмиз. Бир қизим ногирон. Яшаш уйимиз чала-ярим. Бир хонада тиқилиб яшаймиз. Томимиздан чакки ўтади. Баъзида емак-ичмакдан ҳам қисилиб қоламиз. Қани эди менга ҳам иш бўлса...

– Турмуш ўртоғим Рамазон Худоёров дардга чалиниб ётиб қолганига анча бўлди, – дейди «Маданият» маҳалласида яшовчи Ойширин Худоёрова. – Кун-кунора мардикорликга чиқиб, тўрт-беш сўм топиб келаман. Тежаб-тергаб дори-дармонга, озиқ-овқатга сарфлаймиз. Ростини айтганда, турли идораларга югуришга фурсат ҳам, имкон ҳам йўқ. Шу чоққача бирор идора вакили эшигимизни чертиб «биздан қандай ёрдам керак?» деганини ҳам эслай олмаймиз. Давлатимизнинг биз каби қийналганларни қўллаб-қувватлаётганини хонадонимизга келган касаба уюшма вакилларидан эшитдик. Биз ногиронликни уйда ҳам белгиласа бўлишини, унга пул тўланишини билмаганмиз. Дардларимизни тинглаб, юрагимиз тафтини босган, биздек эътибордан четда қолган инсонларга кўмак кўрсатишга бел боғлаганлардан жуда миннатдор бўлдик.

«Гўзалкент» маҳалласида кўпни кўрган, сочларига оқ оралаган кайвони аёлга дуч келдик. Муддаомизни эшитган онахон дуога қўл очиб, эзгу ишга бел боғлаганларга тилакларини йўллади:

– Шу ишларнинг бошида турганларни Аллоҳ ёрлақасин!

Пастдарғом туманининг «дард»га тўлган қишлоқларини оралай-оралай кунни кеч қилдик. Ҳали олдинда яна қанча муаммолар, учрашадиган ўксик кўнгиллар бор...

Бироқ муаммолар ечимини топишига ишончимиз қатъий.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch»

Жиззах вилояти

Қоғозда қолган муаммолар

Уларнинг ечим топишига ишонч уйғотаётган ташаббус

Жиззах шаҳрининг «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Сайёра, Саҳобжон, Феруза, Гулсара ногиронлиги туфайли юришолмайди. Улар бу ёруғ оламда ўзлари учун азиз бўлган онасидан қувват олишади. Тиргаклари – онаси! Маслакдоши – онаси! Она туфайли ҳаёт неъматларига эришмоқда.

Улар соғлом туғилишган эди. Аммо... Сайёра, Феруза тўрт-беш, Гулсаранинг 7 ёшдан сўнг оёқ мушаклари ривожланмай қолди. Саҳобжон эса аранг эшик орага чиқиб туради. Тиббиёт ходимларининг хулосасига кўра, бу ирсий касаллик.

Барно опа 25 йил тиббиёт соҳасида меҳнат қилган. 15 йилдан буён эса фарзандларининг ёлғиз боқувчиси. Ундан оиласидаги етишмовчиликлар ҳақида сўраймиз. Опа ийманибгина «Ҳамма нарса етарли, Яратганга шукур, ногирон бўлса-да, фарзандларим ёнимда» дея жавоб беради.

Опанинг тўнғич фарзанди Сайёра ногиронлигига қарамай тикувчилик билан шуғулланмоқда. Бироқ у етиштирган маҳсулотни ҳеч қаерда сотолмайди, харидор йўқ...

– Дастурхон, сочиқ, чойшаб тикаман, – дейди Сайёра. – Онам бозорга олиб бориб, сотиб келади. Ҳозирда бозорда оладиганлар ҳам камайиб кетди. Тиккан нарсаларим қолиб кетяпти. Бўш вақтимда китоб ўқийман. Иложи борича, онамга ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Уларга берилаётган ногиронлик нафақаси ақалли дори-дармонга ҳам етмайди. Лекин буни Барно опа айтгиси келмади. Очиғи, истиҳола қилди.

Бу ишчи гуруҳи аъзолари уйма-уй юриб ўрганган биргина муаммо холос. Бу каби муаммолар талайгина.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, илгари ҳам аёлларнинг муаммолари ўрганилган. Аммо ҳеч ким ҳар бир аёлнинг аниқ муаммосини ҳал этиш учун масъул бўлмаган.

Бугун эса ишнинг тартиби ўзгарди. Энди ҳар бир аёлнинг муаммоси алоҳида ўрганилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан мушкул аҳволга тушиб қолган оилаларга ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси мутасаддилигида Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳи Жиззах вилоятида ҳам шундай эзгу ишларни амалга оширмоқда.

Ўрганишлар эса шуни кўрсатмоқдаки... Оиладаги муаммонинг асосий юки уй бекаси зиммасига тушади. Эр ишсиз, оилада етишмовчилик бўлса, биринчи навбатда, аёл қийналади. Ота ишда, болаларнинг тарбияси билан она шуғулланади. Боғча бўлмаса, мактабда таълим яхши йўлга қўйилмаган бўлса, яна онага муаммо туғилади. Сув, газ, электр таъминоти яхши бўлмаганда ҳам энг кўп қийналадиган ҳам аёл. Маиший турмушдаги ҳамма қулайликни ҳам, ноқулайликни ҳам биринчи бўлиб ўз ҳаётида ҳис этадиган зот бу – аёл.

Аёл иш, болалар, уйнинг супир-сидири, ошхонадаги қуйдир-пиширдан бироз вақт топиб ўзига ҳам қараши керак. Маҳаллада, қишлоқда тикувчи, салон деган хизматлар бўлмаса, бу ҳам муаммо. Аёлнинг ишлаши – оиланинг фаровонлигига хизмат қилади. Аёлларбоп иш жойи топиш эса яна бир муаммо. Хуллас, турмушнинг майда ташвишлари бўлиб кўринган бу ишларнинг ҳаммасини бугун умумлаштириб «ижтимоий муаммолар» деб атаяпмиз. Бу эса ижтимоий соҳани ривожлантиришни талаб этади. Ҳозир хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳаларда ўзини намоён қилиши учун керакли шароит яратиш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этишни таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишга катта эҳтиёж мавжуд.

Буни ишчи гуруҳнинг ўрганишлари яққол кўрсатмоқда. Демак, энди қоғозда қолиб кетган муаммоларнинг ечимини топиш фурсати келди. Шундай бўлмоқда ҳам...

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Ishonch»

Фарғона вилояти

БАРЧАСИ БАДАСТИР(МИ?)

ёхуд обод қишлоққа айланолмаётган гўшалар...

Ўзбекистон туманининг «Абураҳмон Жомий», «Боғи Эрам», «Қайнар» МФЙлари 2019 йилда «Обод қишлоқ» давлат дастурига киритилган, унга кўра аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида ички йўлларни асфальтлаш, шағал ётқизиш, электр ва сув тармоқларини тортиш, мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ишлари белгиланган эди.
Хўш, бу қишлоқларда ҳаётбахш дастур доирасида белгиланган ишлар охирига етдими? Кўзланган мақсадга қанчалик эришилди?

ҚИШГА ҚОЛГАН ИШ...

Туман марказининг биқинида жойлашган «Абураҳмон Жомий» МФЙда 630 та хонадонда 2 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Дастурга кўра, ушбу мавзеда 1 та ичимлик суви қудуғини қазиш, сув минорасини ўрнатиш кўзда тутилган эди. Бироқ сув минораси ўрнатилиб, тармоқ тортилган-у, сув чиқариш учун қудуқ қазиш ишлари чала ҳолда қолиб кетган.

– Мутахассислар қудуқни 200 метрдан кўпроқ қазишгач, қандайдир носозлик туфайли ишни тўхтатиб қўйишди, – дейди МФЙ раиси Баҳром Солиев. – Улардан ишни қачон охиригача етказасизлар, деб сўрасак, «ҳаво исиб, ер музламай қўйгандан кейин» деб айтишди. Мана энди шундай кунлар келишини кутяпмиз. Агар ишлар тез фурсатда бошланмаса, аҳоли яна сувдан қийналиши аниқ.

– Ичимлик суви бизга жуда зарур, – дейди ушбу маҳаллада яшовчи Зиннатхон Аҳмедова. – Ҳозир қиш фасли бўлгани учун эски тармоқдан сув чиқиб турибди. Ҳаво исий бошлаши билан шу сув ҳам чиқмай қолади. Ўтган ёзда сувсизликдан роса қийналганмиз. Шунинг учун қудуқни тезроқ қазиб, сув чиқариб беришларини интизорлик билан кутяпмиз.

Дастур доирасида маҳалла кўчаларига 86 дона тунги ёритиш чироғи ўрнатилиши лозим эди. Лекин ҳозиргача унинг 40 донаси ўрнатилган, холос. Бундан ташқари, режадаги 1,9 километрлик электр тармоқларини тортиш ишлари ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Шу кунгача сув минораси ўрнатилди. Кўчаларга сув тармоғи тортилди. Бироқ сув қудуғини қазиш ишлари ниҳоясига етганича йўқ.

МФЙ раиси Муҳаммаджон Боқиев ҳамроҳлигида дастур доирасида таъмирланган Оқтепадашт қишлоғидаги 24-мактаб филиалида бўлдик. Мактаб 2 та синф хонасидан иборат бўлиб, 48 нафар ўқувчи таҳсил олар экан.

Мактабнинг ташқи ва синф хоналари яхши таъмирланган. Бироқ хона чиройини эскириб кетган доска ва парталар бузиб турибди. Парталарнинг бўёқлари кўчиб кетган, доска эса янгисига муҳтож. Қизиқ, деворлар таъмирланган-у, парталарга қўл ҳам урилмаган.

Мактаб ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир ҳолат бизни таажжубга солди. Бу эътибордан четда қолган мактаб стадиони. Агар қўлбола ёғочдан ясалган дарвозани кўрмаганимизда бу жойни стадион эмас, экин экишга мўлжалланган ер, деб ўйлаган бўлардик. Майдон нотекис, камига сув киравериб, ярми ботқоққа айланган. Мактаб ўқитувчисининг айтишича, душанба ва чоршанба кунлари жисмоний тарбия дарси бўлар экан. Бу ерда қандай қилиб болалар спорт машғулотларини ўтказаётганига ҳайрон қоласиз.

Мактаб ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир ҳолат бизни таажжубга солди. Бу эътибордан четда қолган мактаб стадиони. Агар қўлбола ёғочдан ясалган дарвозани кўрмаганимизда бу жойни стадион эмас, экин экишга мўлжалланган ер, деб ўйлаган бўлардик. Майдон нотекис, камига сув киравериб, ярми ботқоққа айланган. Мактаб ўқитувчисининг айтишича, душанба ва чоршанба кунлари жисмоний тарбия дарси бўлар экан. Бу ерда қандай қилиб болалар спорт машғулотларини ўтказаётганига ҳайрон қоласиз.

ЭСДАН ЧИҚҚАНМИ... ДЕЙСИЗ

«Боғи Эрам» МФЙда дастурга киритилган кўчаларни асфальтлаш, шағал ётқизиш, мактаб, мактабгача таълим муассасаси ва тиббиёт масканини таъмирлаш ишлари якунига етказилган. Лекин ниҳоясига етказилмаган ишлар ҳам йўқ эмас. Масалан, дастур доирасида кўчаларга 86 та тунги чироқ ўрнатилиши керак эди. Шу кунгача бу борада бир қадам ҳам ташланмаган. 6,1 километр электр кабелини тортиш ишлари мутасаддиларнинг эсидан чиқиб кетгандай гўё.

«Боғи Эрам»да ҳам ичимлик суви долзарб. Шунинг учун дастурда аҳолини тоза лар таъмирдан чиқарилди. Аммо айрим белгиланган вазифалар раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида ўз ҳолича қолиб кетган.

Масалан, дастурга кўра, кўчаларга 86 дона тунги чироқлар ўрнатилиши керак эди. Лекин шу кунгача бу чироқларнинг лоақал биттаси ҳам ўрнатилмаган.

– Дастурга кўра, 3 та ТП таъмирланиши керак эди, – дейди «Қайнар» МФЙ раиси Ҳошимжон Тошматов. – Лекин бу ишлар ҳамон бажарилгани йўқ. Бундан ташқари, 11 километр электр тармоқларини таъмирлаш кўзда тутилган эди. Лекин шундан бор-йўғи 2,5 километр қисми эпақага келтирилди. Бажарилмай қолган ишлар қачон ниҳоясига етиши бизга номаълум.

Охунқайнар қишлоғи аҳли табиий газ йўқлиги учун суюлтирилган газ билан таъминланар экан. Аммо анча вақтдан буён суюлтирилган газ ҳам келмай қўйибди.

– Охирги марта ўтган йилнинг 31 октябрь куни суюлтирилган газ олганмиз, – дейди Истиқлол кўчасида яшовчи Воҳиджон Умаров қўлидаги суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича шартномани кўрсатиб. – Мана, уч ойдан ортиқ вақт ўтяптики, газ баллондан дарак йўқ. Айни чоғда газ баллонни, қиммат бўлса ҳам, кўчадан тўлдириб келяпмиз. Ваҳоланки, шартноманинг 2.1 бандига асосан «Водийгазтаъминот» УК Ўзбекистон тумани филиали томонидан истеъмолчига бир ойда 20 килограмм маиший газ баллонларда суюлтирилган газни шартнома ва буюртманомада белгиланган муддатларда етказиб берилиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ етказиб берувчи бу муддатларга амал қилгани йўқ.

– Қишлоғимизда 500 нафарга яқин боғча ёшидаги ўғил-қизлар бор. Лекин уларга боғча йўқ, – дейди МФЙ раиси Ҳ.Тошматов. – Қишлоғимизга давлат боғчаси зарурлигини вилоят ҳокимлигига, прокуратуранинг маҳалла аҳли билан ўтказган сайёр қабулида ҳам маълум қилганмиз. Лекин то ҳануз ҳеч қандай жавоб олганимиз йўқ. Ота-оналар эса фарзандларини қишлоғимиздан олисдаги боғчаларга олиб бормоқда. Агар қишлоғимизда боғча қурилса, бу болалар учун катта совға бўлар эди.

ПАРТАДАГИ «ЯНГИ ҚОНУН»

«Обод қишлоқ» давлат дастури доирасида 502 нафар ўғил-қиз таҳсил оладиган 56-мактаб биноси ҳам мукаммал таъмирланиши лозим. Қурилиш давомида мактабнинг ташқи эшик ва дераза-ромлари янгисига алмаштирилди. Синф хоналари билан бирга, мактабнинг ташқи қисми ҳам таъмирдан чиқарилди. Бир қарашда мактабнинг кўриниши чиройли бўлса-да, синфхоналардаги ҳолат мутлақо бунинг акси. Аниқроқ айтадиган бўлсак, парта ва стуллар эскириб кетганидан таъмирга жуда муҳтож. Мисол учун, биология хонасини олайлик. Парта ва стулларнинг ҳолатини кўриб ачинасиз. Уларнинг кўпи синиқ. Ўлчамлари ҳам ҳар хил. Биринг бўйи паст, бириники баланд. Бу ҳам етмагандек, ўқувчилар «илҳом» келганда дафтар топа олмаган шекилли, «дилларидаги» барча сўзларни ўқув партасига «битишган»: «m+d=do'stlar», «mubish», «1945», «мама», «...20-04 Abbosxon»...

Тарих хонасининг ҳолати биология хонасидан асло қолишмас экан. Бу хонада ҳам синган парталар, бири узун, бири паст стуллар кўп. Ҳатто, уларнинг ичида тебранма стул бор. Қизиқиб айнан шу стулга ўтириб кўрдим. Қанча ҳаракат қилмай, бир сония ҳам қимирламасдан ўтира олмадим. 45 дақиқа дарс давомида ўқувчи қандай бу стулда ўтираётганига ҳайрон қоласиз. Бу синф хонасининг парталарига ҳам ўқувчилар ўзларидан «из» қолдириб, партага: «1-modda bu partada Xumoradan boshqa xech kim o'tirmasin» каби ёзувларни «муҳрлашган».

Она тили синф хонасига кирганимизда ўқувчилар дафтарга эмас, партага ёзишгандек тасаввур ўйғотди. Очиғи, партани устида ёзилмаган жойни топиш мушкул. Бизни ҳайрон қолдиргани мактаб ўқитувчиларининг бу ҳолатга эътиборсизлиги бўлди.

Мактабнинг хўжалик ишлари бўйича мудири Манзура Ҳакимованинг таъкидлашича, мактабда 3 та компьютер бўлиб, унинг фақатгина биттаси фойдаланиш учун яроқли экан. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ўқувчилар қандай қилиб информатика фанини ўзлаштирмоқда?



Ахир, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган беш муҳим ташаббуснинг учинчиси айнан аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган-ку?! Наҳотки, бу ташаббус 56-мактабга тегишли бўлмаса? Ёки мутасаддилар XXI асрда яшаётганимизни ҳамон сезишмаяптими?

Хуллас, олган таассуротимиз зиддиятли: мактаб биноси таъмирланишга-таъмирланибди-ю, ундаги жиҳозларни таъмирлашга, янгилашга қўл ҳам урилмабди.

Албатта, «Обод қишлоқ» давлат дастури доирасида бажарилган ишлар таҳсинга сазовор. Бироқ жараёнга холис назар ташлаш, хато-камчиликлардан кўз юммаслик керак. Ўйлаймизки, мутасаддилар танқиддан тўғри хулоса чиқариб, ўз ишларига масъулият билан ёндашган ҳолда бажарилмай қолган ишларни ниҳоясига етказади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«Ishonch»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Х. Норбоев
Мусаҳҳиҳлар: С. Шодиева, З. Холмуҳаммедова, Д. Орипов
Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:30
Топширилди – 22:50

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 217. 30688 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Оғриқ тишлар...

Эълонлар

«Нархи қанча, меҳрнинг айтинг?..»
ёхуд алимент тўлаш меҳрибонлик ҳисобланадими?
Қуддусбек НЕЪМАТОВ олган сурат

Азиз газетхонлар!
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляпсизми?
Таҳририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида «Муштарий гуруҳи» каналини ташкил қилди.
Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – t.me/ishonchmurojaat орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, таҳририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз.
Шунингдек, мурожаатлар (+99871) 256-87-73 телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига таклиф этади!

Очиқ кимошди савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

№	Автомобиль номи	И/ч. йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сақланаётган жойи МХХ
1	Газ 310231-110	2006	01/079 TST	29 679 000	Тошкент
2	Нива Шевроле	2005	25 055 TST	19 148 000	Жиззах
3	Нива Шевроле	2005	30 054 TST	29 013 000	Самарқанд
4	Нива Шевроле	2004	70 031 TST	29 064 946	Қарши
5	Нива Шевроле	2004	75 466 GAA	34 200 000	Термиз
6	Нива Шевроле	2005	75 076 QAA	36 000 000	Термиз

Аукцион савдолари 2020 йил, 31 мартда соат 11:00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Мазкур автотранспорт воситалари 2020 йил 31 март кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда, 2020 йилнинг 29 декабрь кунига қадар ойнинг ҳар ҳафтасининг сешанба кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

Талабгорлар савдо ташкилотчисига савдода қатнашиш учун юзага келадиган ҳар бир мулк учун барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадилар. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда КТИАСнинг ҳисобрақамига (ҳ/р: 20208000904929477001, банк: «Ипотека банк» АТИБнинг Шайхонтоҳур филиали, МФО: 00425, СТИР: 302074183, ОКОНХ: 83200) тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30дан 16:00гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. **Телефонлар:** (0-371) 249-54-59. **Веб сайт:** ktias.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели 6-даҳаси, 1-«А» уй, 6-хонадон учун Мамараҳимова Шоира Амировна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси ҳамда вилоятдаги тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари бирлашманинг «Ижтимоий суғурта» бўлими мудири Зариф Жозиловга синглиси
Замира АБДУҒОФУРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва Андижон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси бош ҳисобчиси Шарифжон Абдурайимовга отаси
Шокиржон АБДУРАЙИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Балиқчи тумани кенгаши раиси Орифжон Солиевга отаси
Абдулҳай СОЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.